

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

ХАЛҚ ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

**60110600 – МАТЕМАТИКА ВА ИНФОРМАТИКА**

бакалавриат таълим йўналишининг

**МАЛАКА ТАЛАБЛАРИ**

Тошкент – 2022



## **ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН ВА КИРИТИЛГАН:**

- Тошкент давлат педагогика университети.

## **ТАСДИҚЛАНГАН ВА АМАЛГА КИРИТИЛГАН:**

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги хузуридаги \_\_\_\_\_ бўйича ўқув-услубий

бирлашмалар фаолиятини Мувофикаштирувчи кенгашнинг 2022 йил «29»

08 даги 5 -сонли йигилишида мъқулланган.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг 2022 йил «9» 09 даги 30.2 -сонли буйруги билан тасдиқланган.

## **ЖОРИЙ ЭТИЛГАН:**

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълим вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги.

Мазкур Малака талаби олий таълимнинг Давлат таълим стандарти, Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификатори, Ўзбекистон Республикаси Миллий малака рамкаси ва касб стандартларига мувофиқ ишлаб чиқилган ва расмий меъёрий-услубий ҳужжат ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси худудида Малака талабини расмий чоп этиш хукуки Ўзбекистон Республикаси Халқ таълим вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигига тегишилдири.

## МУНДАРИЖА

Т/п		бет
1.	<i>60110600 - Математика ва информатика бакалавриат таълим йўналишининг умумий тавсифи</i> .....	4
1.1.	Кўлланиш соҳаси .....	4
1.1.1.	<i>60110600 - Математика ва информатика таълим йўналиши Малака талабининг қўлланилиши</i> .....	4
1.1.2.	Малака талабларининг асосий фойдаланувчилари.....	4
1.2.	<i>60110600 - Математика ва информатика таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг тавсифи</i> .....	4
1.2.1.	<i>60110600 - Математика ва информатика таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятининг соҳалари</i> .....	4
1.2.2.	<i>60110600 - Математика ва информатика таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг объектлари</i> .....	5
1.2.3.	<i>60110600 - Математика ва информатика таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг турлари</i> .....	5
1.2.4.	<i>60110600 - Математика ва информатика таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий вазифалари</i> .....	5
2.	<i>60110600 - Математика ва информатика таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий компетенцияларига кўйиладиган талаблар</i> .....	7
2.1.	Умумий компетенциялар.....	7
2.2.	Касбий компетенциялар .....	8
	Библиографик маълумотлар .....	10
	Келишув вараги .....	11

**1. 60110600 - Математика ва информатика бакалавриат таълим йўналишининг  
УМУМИЙ ТАВСИФИ**

*60110600 - Математика ва информатика* таълим йўналиши бўйича бакалаврлар тайёрлаш кундузги, кечки ва сиртқи таълим шаклларида амалга оширилади. Барча таълим шакллари бўйича ўқитиш кредит-модуль тизими асосида ташкил килинади. Кундузги таълимда бакалавриат дастурининг меъёрий муддати 4 йил.

**1.1. Кўлланиш соҳаси.**

**1.1.1. 60110600 - Математика ва информатика таълим йўналиши  
Малака талабининг қўлланилиши.**

Малака талаби *60110600 - Математика ва информатика* таълим йўналиши бўйича бакалаврлар тайёрловчи барча олий таълим ташкилотлари учун талаблар мажмунни ифодалайди.

**1.1.2. Малака талабларининг асосий фойдаланувчилари:**

- мазкур таълим йўналиши бўйича малака талаблари, ўкув режа ва ўкув дастурларини ишлаб чиқиш ва янгилаш, улар асосида ўкув жараёнини самарали амалга ошириш учун масъул ҳамда ўз ваколат доирасида битиравчиларнинг тайёргарлик даражасига жавоб берадиган олий таълим ташкилотининг бошқарув ходимлари (ректор, проректорлар, ўкув бўлими бошлиги, деканлар ва кафедра мудирлари) ва профессор-ўқитувчилари;
- таълим йўналишининг ўкув режаси ва фан дастурларини ўзлаштирувчи олий таълим ташкилотининг талabalari;
- бакалавриат битиравчиларининг тайёргарлик даражасини баҳолашни амалга оширувчи Давлат аттестация комиссиялари;
- таълимни бошқариш бўйича ваколатли давлат органлари;
- олий таълим ташкилотларини молиялаштиришни таъминловчи органлар;
- олий таълим тизимини аккредитация ва сифатини назорат қилувчи ваколатли давлат органлари;
- кадрлар буюртмачилари ва иш берувчи ташкилот ва корхоналар;
- олий таълим ташкилотларига ўқишига кираётган аббитуриентлар, уларнинг ота-оналари ва бошка манфаатдор шахслар.

**1.2. 60110600 - Математика ва информатика таълим йўналиши  
бўйича бакалаврлар қасбий фаолиятларининг тавсифи.**

**1.2.1. 60110600 - Математика ва информатика таълим йўналиши  
бўйича бакалаврлар қасбий фаолиятининг соҳалари:**

*60110600 - Математика ва информатика* – бакалавриат таълим йўналиши- умумий ўрта таълим мактаблари, ўрта маҳсус, қасб-хунар ва

профессионал таълим муассасалари учун бакалавриат таълим йўналиши бўйича педагогик кадр жараёнида фойдаланиладиган фанлар, педагогик фаолият воситалари, усууллари, методлари;

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ва тармоқ илмий-тадқиқот институтларида ҳамда мустақил тадқиқотчи сифатида илмий-педагогик тадқиқот ишлари билан шугулланиш;

оммавий ахборот воситалари, давлат бошқаруви органлари, бошқа давлат ва подавлат муассасаларида касбий фаолият юритиш каби комплекс масалалар мажмуасини қамраб олади.

#### **1.2.2. 60110600 - Математика ва информатика таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг объектлари:**

- таълим жараёни; ўқитишинг педагогик технологиялари ва методлари; таълимнинг назарий масалалари; ўқитиши методикаси; лойиҳалаштириш асосида ўқув жараёнини бошқариш технологиялари, маъруза, амалий ва лаборатория машғулотларини лойиҳалаштириш ва ташкил этиш жараёни;

- шахсий ва касбий ахборот майдонини шакллантириш жараёни, мактабдан ташқари таълим муассасалари таълим-тарбия жараёни; таълим соҳасидаги муаммолар ва уларнинг ечимларини топишни ташкил этиш жараёни; таълимни бошқариш ва педагогик жараённи ташкил этиш; мос ихтисослик бўйича илмий-тадқиқот жараёнлари, маънавий-маърифий тарғибот ишлари жараёни;

60110600 - Математика ва информатика таълим йўналиши бўйича бакалавриат битиувчилари професионал таълим муассасаларида таълимнинг ваколатли бошқарув органлари томонидан аниқланадиган ушбу йўналишдаги умумкасбий ва ихтисослик фанларини ўқитиши бўйича педагогик фаолияти билан шуғилланиш ҳукуқига эга.

#### **1.2.3. 60110600 - Математика ва информатика таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг турлари:**

1. Педагогик фаолият;
2. ташкилий-бошқарув фаолият;
3. илмий-тадқиқот фаолияти;
4. маънавий-маърифий фаолият;
5. тадбиркорлик

Таълим йўналиши йўналишлари бўйича тайёрланган бакалаврлар касбий фаолиятларининг муайян турлари таълим жараёнининг манфаатдор иштирокчилари билан ҳамкорликда олий таълим муассасаси томонидан аниқланади.

#### **1.2.4. 60110600 - Математика ва информатика таълим йўналиши бўйича бакалаврларининг касбий вазифалари.**

60110600 - Математика ва информатика таълим йўналиши бўйича Миллий малака рамкасининг 6-малака даражаси ҳамда бакалавр касбий

фаолиятларининг соҳалари, объектлари ва турларига мувофиқ бакалавриат битиравчиси қўйидаги касбий вазифаларни бажаришга кодир болиши лозим:

**Педагогик фаолиятида:**

- умумий ўрта таълим, ўрта маҳсус, касб-хунар ва профессионал таълим муассаларида “Математика”, “Алгебра”, “Алгебра ва анализ асослари”, “Геометрия”, “Информатика ва ахборот технологиялари”, “Ахборот технологиялари”, шунингдек математика ва информатика йўналишидаги фанлардан ўргатилган тартибда дарс бериш;
- умумий ўрта таълим мактаблари, академик лицейлар ва касб-хунар, мактаблари, мактабдан ташқари муассаларида ишлаш;
- таълим тизимида кабинет мудири, лобарант ва унга тенглаштирилган лавозимларда ишлаш;
- мос таълим йўналишлар бўйича таълимни амалга оширувчи вазирликлар, унинг тармоқ бошқармалари ва муассаларида методист бўлиб ишлаш;
- аник ва табиий фанлар йўналишидаги илмий-тадқиқот ташкилотларда кичик илмий ходим бўлиб ишлаш;
- маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органлари ҳамда жойлардаги маънавият ва маърифат марказларида ишлаш;
- ишлаб чиқариш соҳасида компьютер технологиялари, касбий таълим педагогикиси ва технологияси, ўқитишининг дидактик воситалари, таълимнинг электрон воситаларини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш.

**Ташкилий-бошқарув фаолиятда:**

- педагогик ва ахборот технологиялардан фойдаланган ҳолда ишлаб чиқариш жараёнлари мониторинги ва сифатини баҳолаш механизmlарини ишлаб чиқиш;
- атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва меҳнат хавфсизлиги талабларига мос келиниши борасида ишлаб чиқариш жараёнларини назорат қилиш;
- жамоада ижтимоий ва маънавий-маърифий ишларни ташкил этиш ва бошқариш;
- фикрлар ҳар хил бўлган шароитда тўғри карор кабул қилиш;
- бажараётган фаолияти бўйича иш режасини тузиш, назорат қилиш ва амалга оширилган ишнинг натижаларини баҳолаш қобилиятларига эга бўлиши керак
- таълим мазмунини белгилаш тамойиллари ва мезонларига риоя этиш, ўкув материалларини танлаш ва тизимлаштиришга доир замонавий ёндашувларни ҳисобга олиш, ўкув материалларини моделлаштириш;
- яхлит педагогик жараённинг умумий конун, конуният ва тамойилларига амал қилиш, таълим-тарбия жараёнида гносеологик, ташкилий, психологик, дидактик, социологик ва кибернетик конуниятларнинг уйгунлигига эришиш;

- таълим-тарбия жараёни таркибий қисмлари (мақсад, натижа, мазмун, шакл, метод ва восита)нинг ўзаро алоқадорлиги ва умумийлигини ҳисобга олиш;
- таълим-тарбия жараёнини ташкил этишининг асосий ва ёрдамчи шаклларидан унумли фойдаланиш; ўкувчиларнинг бўш вақтини самарали ташкил этиш ва ўтказиш;
- талабаларниң креатив салоҳиятни таълим тизимни ахборотлантириш жараёнида шакллантириш ва ривожлантириш;
- таълим менежменти бўйича билим ва қўнималарни шакллантириш ва ривожлантириш;
- таълим-тарбиянинг хилма-хил методларини, замонавий педагогик технологияларни оқилона танлай олиш, ижодий ёндашув асосида метод ва технологияларнинг миллӣ менталитетга мослигини таъминлаш кобилиятларига эга бўлиши керак.

**Илмий-тадқикот фаолиятида:**

- илмий-тадқикот институтлари ва илмий марказларда таълим йўналишларидаги фанлар ва уларни ўқитиш методикасига оид мавзуларда тадқикот олиб бориш;
- интернет тармогида энг янги илмий ютуклар ҳакидаги маълумотларни мақсадга йўналган ҳолда кидириш ва топиш;
- таълим йўналишларидаги фанларга оид илмий тўпламлар, маҳаллий ва чет эл илмий-тадқикот ютукларини ўрганиш;
- илмий-тадқикот ишланмаларини тайёрлаш, соҳа адабиётлари экспертизасини амалга оширишда қатнашиш;
- маълумотларни жамлаш, қайта тайёрлаш, мавзу бўйича илмий маълумотларни тизимли таҳлил қилиш;
- тадқикот натижалари ва ишланмаларини татбик этиш.

**Маънавий-маърифий фаолиятида:**

- маънавий-маърифий ишларни режалаштира олиши, уни ташкил этиш методикасини эгаллаш, ўкувчилар онгига миллӣ истиқлол гоясини сингдириш;
- ўкувчиларда мафкуравий ва ахборот хуружларига карши иммунитетни юзага келтириш метод ва технологияларини билиши;
- глобаллашув шароитида кечётган жараёнларда ахборот коммуникация технологияларининг ўрни ва таъсири ҳакида тушунтириш ишларини олиб бориш;
- маҳаллаларда маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича индивидуал сухбат ўтказиш;
- миллӣ урф-одат ва маросимларни ўтказиша, умуминсоний қадриялар, меҳр-муруват, бағрикентлик, ватанипарварлик, садоқат каби юксак инсоний фазилатларни очиб бериш кобилиятларига эга бўлиши керак.

**Тадбиркорлик фаолиятида:**

- таълимда янги бизнес-лойиҳаларни шакллантириш ва амалга ошириш;
- бизнесни ташкил этиш, бизнес-режаларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.

**2. 60110600 - Математика ва информатика таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг қасбий компетенцияларига қўйиладиган талаблар**

**2.1. Умумий компетенциялар:**

- дунёкараш билан боғлиқ тизимли билимларга эга бўлиши; гуманитар ва ижтимоий-иктисодий фанлар асосларини, жорий давлат сиёсатининг долзарб масалаларини билиши, ижтимоий муаммолар ва жараёнларни мустақил таҳдил кила олиши;
- Ватан тарихини билиши, маънавий миллий ва умумисоний қадриятлар масалалари юзасидан ўз фикрини баён кила олиши ва илмий асослай билиши, миллый истиқдолғоғи асосланган фаол ҳаётий нуктаи назарга эга бўлиши;
- табиат ва жамиятда кечайдан жараён ва ҳодисалар ҳакида яхлит тасаввурга эга бўлиши, табиат ва жамият ривожланиши ҳакидаги билимларни эгаллаши ҳамда улардан замонавий илмий асосларда ҳаётда ва ўз қасб фаолиятида фойдалана билиши;
- инсоннинг бошқа инсонга, жамиятга ва атроф мухитга муносабатини белгиловчи ҳукукий ҳамда маънавий мезонларни билиши, қасб фаолиятида уларни хисобга ола билиши;
- аҳборот йигиши, саклаш, қайта ишлаш ва улардан фойдаланиш усулларини эгаллаган бўлиши, ўз қасб фаолиятида мустақил асосланган қарорлар қабул кила олиши;
- тегишли бакалавриат йўналиши бўйича ракоботбардош умумқасбий тайёргарликка эга бўлиши;
- янги билимларни мустақил эгаллай билиши, ўз устида ишлаши ва меҳнат фаолиятини илмий асосда ташкил қила олиши;
- соғлом турмуш тарзи ва унга амал қилиш зарурияти тўғрисида илмий тассаввур ҳамда эътиқодга, ўзини жисмоний чиниқтириш ўкув ва кўникмаларига эга бўлиши керак.

**2.2. Қасбий компетенциялар:**

- умумқасбий вазифаларни ҳал этишда фан ва таълимнинг замонавий муаммоларига доир билимлардан фойдаланишга тайёрлаши ҳамда муваффакиятли амалга оширишга доир аҳборий-дидактик таъминотни яратиш ва амалда кўллаш кўникмаларига эга бўлиш;
- қасбий фаолиятнинг илмий соҳасидаги ўзгаришларни англаш, таҳдил этиш, умумлаштириш, аниқ хуносалар қабул қилиш кўникмасига эга бўлиш;
- бирламчи манбалар асосида қасбий билимларни ривожлантириш, қасбий шаклланиш ва ижтимоийлаштириш имкониятини тақдим этиши;
- моделли тасаввурларни тажриба усуллари ва олинган натижаларни қайта ишлаш йўрикларига оид билимларни амалда кўллаш кўникмаларига эга бўлиш;
- информатика ва ракамили технологиялар, замонавий дастурлаштиллари ва компьютернинг техник ва дастурий таъминотидан фойдаланган холда қасбий фаолиятларида янги дастурлардан фойдаланиш, яратиш ва амалда кўллаш кўникмаларига эга бўлиш;

- маълумотлар базаси, ахборот тизимлари, сунъий интеллект тизимлари ва тармоқ технологияларини англаш ва улардан амалда қўллаш кўникмаларига эга бўлиш;
- компьютер графикасида тасвирлар, инфографик элементлар, web-сайтларни лойихалаш ва яратишни билиши;
- математик моделларни турли усуллар билан ечиш, компьютерли моделлар ишлаб чикиш ва модельштириш, улардан ўкув жараённада фойдаланиш кўникмаларига эга бўлиш.
- психика, шахс, фаолият, мулокот, билиш жараёнлари, иродавий сифатлар, хиссий ҳолатлар, индивидуал-хусусиятларга доир билим, кўникма ва малакаларни шакллантириш, хамда бўлажак педагог мутахассислар тамонидан психик тараккىёт конуниятлари, даврлари, механизмлари, омиллари ва шарт-шароитлари ҳакидаги замонавий илмий билимнинг ўзгартирилишини ташкил этиш;
- психологиянинг моҳияти, психика ва онг тушунчалари, психик жараёнлар, ҳолатлар, хусусиятлар, психик ривожланиш ва унинг ўзига хос хусусиятлари, ёш даврлари таснифи, психик тараккىётнинг турли босқичлари учун хос психофизиологик ва психологик хусусиятлар ҳакидаги билимларни билиши ва касбий фаолиятда фойдаланиш кўникмасига эга бўлиш;
- глобал доирада таълим тизими ривожланишининг ҳолати, асосий йўналишлари ва қонуниятларини таҳдил этиш, миллый ва ҳудудий ўзига хосликлардаги умумий кўринишларни очиб бериш, ҳалқаро педагогик тажрибанинг ижобий ва салбий жиҳатлари, миллый педагогик маданиятни бойитиши шакл ва методларини аниклаштира билиш;
- асосий математик ва информатикага оид билимларни; умумий ўрта мактаб, академик лицейлари математика(умумтаълим математикаси) ва информатика курсларининг илмий асосларини; ўкувчилар учун тўғарак, факультатив курслар, танлов курслари мазмунини ишлаб чикиш учун зарур бўлган билимларни; исботлашнинг асосий методларини, асосий математик масалаларни ечиш ва уларни компьютерда лойихалаш методларини қўллай олиш;
- берилган шартларни каноатлантирувчи математик объектни куриш; янги услуг ва усулларни яратиш орқали ёки мавжуд усул ва усулларни кайта куриш орқали тадқиқий математик масалаларни ечиш; янги математик тушунчани киритиш ва уни таърифлашга бўлган талабларга мос (тўлиқлик, зидсизлик) таърифлаш; ўкувчилар учун тўғарак, факультатив курслар, танлов курслари мазмунини ишлаб чикиш; ўкувчилар учун умумтаълим математикаси базасида тадқиқий математик масалани (шакллантириш) кўйиш; номатематик масалаланинг, жараённинг, ҳодисанинг математик

моделини қуриш, математик билимларни намоён қилиш, татбик этиш, танқидий баҳолаш ва түлдириб бориш кўникмаларига эга бўлиш;

— умумтаълим математикаси ва информатика фанлари бўйича олимпиада ва танлов масалаларини ечиш; масалаларини муайян дастурлаш тилида дастурлай олиши ва амалда қўллай олиши; математик дастурлар пакетидан фойдаланиб математик масалаларни ечиш; умумтаълим математикаси ва информатика фанлари бўйича илмийлиги даражасига ўкув қўлланмаларда баёни асосида асосланган баҳо бериш; умумтаълим математикаси ва информатика фанлари тушунчаларининг ривожланиш тарихини ижтимоий иқтисодий контекстда тахлил қилишга ва уни касбий фаолиятида фойдаланиш; фанларро ва амалий йўналтирилган масалаларни маълум базавий математик билимлар ва методлар асосида ечишга тайёр бўлишлик.

60110600 - Математика ва информатика бакалавриат таълим йўналиши ўкув режасидаги юклама ҳажми

Барча турдаги аудитория ва аудиториядан ташқари ўкув ишларини ўз ичига олган ўкув юкламасининг ҳажми бир ўкув йили учун 60 кредит, бир семестр учун 30 кредит килиб белгиланади. 1 кредит 30 академик соат ўкув юкламасига тенгdir.

Ишлаб чиқаришдан ажralган ҳолда (кундузги) ўқиш шакли учун аудитория машғулотларининг ҳажми ҳафтасига: кредит-модуль тизими асосида таълим жараёни амалга оширилаётганда 22 — 32 академик соат оралиғида;

Ўкув даврининг умумий ҳажми қуйидагича тақсимланиши мақсадга мувофиқ:

Ўқув даврлари	Хафта тақсимоти
Назарий ва амалий таълим	40-65%
Шу жумладан, аудитория (контактли) ва мустақил таълимнинг нисбати	40/60 нисбатдан 50/50 % нисбатгача
Аттестация	6-15%
Таътил	8-15%
Малакавий амалиёт	6-25%
Битирув малакавий иши	2-7%

## Библиографик маълумотлар

УДК 002: 651. 1/7

Гурӯҳ Т 55

ОКС 01.040.01

---

**Таянч сўзлар:** касбий фаолият тури, компетенция, таълим йўналиши, касбий фаолият обьекти, касбий фаолият соҳаси, бакалавриатнинг асосий ўкув режа ва фан дастурлари, профиль, ўқиб-ўрганиш натижалари, ўкув даври менежмент, тармоклар ва соҳалар, малака талаблари, бакалавриатнинг ўкув жараёни, сифатни баҳолаш ва назорати, мустақил таълим, ишлаб чиқариш, ташкилий-бошқарув фаолияти, малака амалиёти, битирув малакавий иши, давлат аттестацияси, ўкув фанлари блоки, олий таълим муассасаси, таълим жараёни, бошқарув жараёни, ишлаб чиқариш, лойиҳалаш, илмий тадқиқот жараёни.

**Малака талабини ишлаб чикишда фойдаланилган касб стандарти:**

Касб стандарти номи	Касбий фаолият тури	Касб стандартининг қайд қилиш рақами	Касб стандартини амалиётга жорий этиш санаси
Умумий ўрта таълим мактаб ўқитувчиси	Умумий ўрта таълим педагогик фаолият	P.003.1286/И-21	23.08.2021 №332 ИЧ

Манба: Касб стандартлари реестри, Манба: Касб стандартлари реестри, <https://profstandard.kz/profstandard/129>

**Ишлаб чикувчилар, келишилган асосий турдош олий таълим муассасалари  
ҳамда кадрлар истеъмолчилари**

**ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН:**

Тошкент давлат педагогика университети



А.Киргизбаев

М.У.

**КЕЛИШИЛГАН:**

ОЎМТВ хузуридаги Олий таълимни  
ривожлантириш тадқиқотлари ва илгор  
технологияларни тадбик этиш маркази

Директор Ш.Яқубов

202 йил « »  
М.У.



Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими  
вазирлиги хузуридаги Республика таълим  
маркази

Директор Ш.Ш.Саттаров


202 йил « »  
М.У.

Кўкон давлат педагогика институти  
Ректор

2022 йил « »



**60110600 - Математика ва информатика бакалавриат таълим  
йўпалиши бўйича ишлаб чиқилган  
малака талаби мазмуни бўйича ишчи гурухи**

№	Ишчи гурӯх раиси ва аъзолари	аъзоларининг Ф.И.Ш	Лавозими, плмий даражаси ва увони	Имзо
1.	раис	Х.Ц.Кадиров	Низомий номидаги ТДПУ укуз ишларни бўйича проректори	
2.	раис ўринибосари	Ғ.Ф.Джаббаров	Низомий номидаги ТДПУ Физика- математика факультети факультети декани	
3.	аъзо	М.Э.Нуриллаев	Умумий математика кафедраси мудири, PhD, доцент. Тел.: 97-738-12- 85	
4.	аъзо	У.Б.Матназаров	Математика ва уни ўқитиши методикаси кафедраси мудири. Тел.: 88-167-00-05	
5.	аъзо	С.Қ.Турсунов	Низомий номидаги ТДПУ “Информатика ва уни ўқитиши методикаси” кафедраси мудири в.б., п.ф.н., доцент Турсунов С.Қ. тел.: 97 420 3717	
6.	аъзо	У.Юлдашев	Низомий номидаги ТДПУ “Информатика ва уни ўқитиши методикаси” кафедраси профессори, тел.: +998 90 904 69 97	
7.	аъзо	Р.М.Тургунбаев	Умумий математика кафедраси профессори, ф.-м.ф.н. тел.: +998 97 772 62 94	
8.	аъзо	М.Р.Файзиева	Низомий номидаги ТДПУ Информатика ва уни ўқитиши методикаси кафедраси профессори в.б.	
9.	аъзо	И.Қ.Рахимов	Умумий математика кафедраси катта ўқитувчisi тел.: +998 99 6522491	
10.	аъзо	Ҳ.Ҳ.Болтаев	Умумий математика кафедраси доцент в.б. тел.: +998905140195	

Үқув ишлари бўйича проректор

Х.Ш.Кадиров

Үқув-методик бошқарма бошлиги

Ф.А.Абдилакимов

Үқув-меъёрий хужжатларни  
такомиллаштириш бўлими бошлиғи

Б.Дж.Саттарова

Факультет декани

Ф.Ф.Джаббаров